


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 1 ноябрь, № 211 (5378) Сешанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам "Қурбон ҳайит"ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2011 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 31 октябрь.

## ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

*Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий ғамхўрлиги ўзбек футболининг порлоқ келажагини таъминлашга хизмат қилаётир.*

*Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унда мамлакатимизда футболни оммавийлаштириш, футбол бўйича мактаб-интернатларда, болалар ва ўсмирлар мактабларида, профессионал футбол клубларида ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.*



**Ифтихор**

Ушбу ғамхўрликнинг юксак самарасига 2011 йилнинг 29 октябрида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Чунки айнан шу куни Қарши шаҳридаги "Марказий" стадионда ўтказилган Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал учрашувида номдор жамоаларимиздан бири "Насаф" Кувайтнинг "Кувайт СК" клубига қарши баҳс олиб бориб, 2:1 ҳисобидаги ғалабага эришди.

Яна бир муҳим жиҳати, эришилган натижа республикамиз футбол жамоаларининг қитъа миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритган илк нуфузли соврини ҳисобланади. "Насаф"га ғалаба келтирган голларга Илҳом Шомуродов ва Андрей Переплёткинс муаллифлик қилди. "Кувайт СК"нинг ягона жавоб тўпи Борис Ландри Каби номига ёзилди.

Албатта, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди ёки оддий қилиб айтганда, осмондан тушиб қолмайди. Қаердаки, соҳа ривожига давлат томонидан эътибор қаратилса, зарур шарт-шароитлар яратиб берилса, ўша жойда ўсиш бўлади, ижобий натижалар кузатилади. Бу ҳаётий ҳақиқат мамлакатимиз мустақилликка эришгач, яна бир карра ўз исботини топди. Бугун шаҳару қишлоқларимизга кўрк бағишлаб турган бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида бўй кўрсатиб турибди. Сўнгги йилларнинг ўзида барча вилоят ва туманларимизда 1200 тадан зиёд болалар спорти иншооти барпо этилгани, улар замонавий жиҳоз ва анжомлар, малакали устоз-мураббийлар билан таъминлангани ҳам ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Бундай улкан имкониятлар кўплаб иқтидорли спортчиларни, жумладан, футболчиларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда миллионлар ўйинини ривожлантириш, ёш авлоднинг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида қатор ҳужжатлар қабул қилинди...

Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бунга ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадасининг халқаро спорт майдонида юксак ном қозонгани, шунингдек, ногирон-ампутант футболчиларимизнинг кетма-кет икки бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани, Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги беллашувларида Ўзбекистондан тўртта жамоа қатнашгани, шу йил бошида Қатар мамлакати мезбонлик қилган Осиё кубогида Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъадаги энг кучли тўрт терма жамоа сафидан жой олгани ёрқин далилдир. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кейинги йилларда юртимиз болалар ва ўсмирлар футболида ҳам кўнгилга чексиз ифтихор бағишлайдиган натижалар қайд этилмоқда. Жумладан, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида фақатгина Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси икки бор жаҳон чемпионатида қатнашишга муяссар бўлди, жорий йилнинг ёзида ўсмирларимиз Мексика давлати мезбонлик қилган мундиалда ажойиб ўйин намойиш этиб, чорак финалга қадар етиб борди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз футболида кузатилаётган ижобий натижалардир.

(Давоми 4-бетда).

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР

***Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуаси ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Гап шундаки, бу ерда беш кун давом этган V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси саноатчиларни яна бир жойга жамлаб, уларга ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини яратиб берди.***

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган мазкур тадбир республикамизда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳажмининг ўсишига хизмат қилаяпти. Унинг иштирокчилари сони ва улар томонидан тақдим этилаётган маҳсулот турлари йил сайин ортаётгани шундан далолат беради. Хусусан, V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида мамлакатимизнинг мингдан зиёд компания ва корхоналари 6500 турдан зиёд маҳсулотларини тақдим қилдилар. Эътиборлиси, уларнинг 420 тури шу йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлардир. Таққос учун яна бир далил: 2007 йилда бўлиб ўтган дастлабки ярмаркада республикамиздаги 200 дан зиёд ишлаб чиқариш субъекти қатнашган бўлса, жорий йилга келиб, бундай корхоналар сони мингдан ошди. Улар мажмуанинг 7 та кўргазмалар зали ҳамда очиқ майдонида ўз маҳсулотларини кенг намойиш этдилар.

Сирдарё туманидаги "Темур Мед Фарм" масъулияти чекланган жамияти шундай субъектлардан бири ҳисобланади. Бу корхона бир кеча-кундузда 40 минг флакон глюкоза, натрий хлор, дисоль, трисоль, офлоксацин сингари ўнга яқин суюқ дори аралашмалари тайёрлаш имконига эга. Жамият директорининг сифат бўйича ўринбосари Шуҳрат Зияевнинг айтишича, Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси уларнинг ички бозорда танилиши учун айни муддао бўлди: кўплаб тадбиркорлар билан келишувларга эришилди.

Маълумки, мамлакатимизда истиқлол йилларида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли саноатимизда ижобий ўзгаришлар кўзга яққол ташланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАНИНГ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИДИР»

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳликни замон талаблари даражасида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг тез суръатлар билан тараққий этиб бораётган жабҳаларидан бири ҳисобланади.***

Мустақиллик йилларида юртимизда сайёҳлик соҳасидаги давлат сиёсатининг янги тамойиллари ишлаб чиқилиши баробарида, мазкур тармоқни ривожлантиришнинг миллий модели ҳам шаклланди. Дунё жамоатчилигини мамлакатимизнинг бой маданий мероси ва тарихий осориатиқалари билан таништириш мақсадида турли халқаро кўргазма-ярмаркалар ташкил этилмоқда. Улар орасида ҳар йили ўтказиладиган "Ипак йўлида сайёҳлик" Тошкент халқаро туризм ярмаркаси алоҳида аҳамиятга эга. Зотан, ушбу халқаро анжуман сайёҳлик йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик ярмаркалардан биридир.

Маълумки, "Ипак йўлида

**Дунё нигоҳи**

сайёҳлик" Тошкент халқаро туризм ярмаркасининг навбатдаги анжумани мамлакатимиз пойтахтида жорий йил 2 — 4 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Тадбирда алоҳида ва ўзига хос сайёҳлик маҳсулоти таклиф этилиши кўзда тутилган бўлиб, у қадимда Буюк Ипак йўли ўтган ҳудудлардаги мамлакатлар бўйлаб маданий-таништирув ва фаол сайёҳлик турларидан иборатдир. Шу боис мазкур ярмарка БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти шафелигида туризм бўйича ташкиллаштириладиган энг муҳим халқаро тадбирлар рўйхатига киритилган.

Пойтахтимизда ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка дунёнинг турли бурчакларидан бу соҳада шериклик алоқаларини ўрнатишга, янги сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этишга ҳамда фойдали шартномаларни тузишга интилаётган меҳмонларни ўзига жалб қилмоқда. Жорий йилда ярмарка ишида 500 дан зиёд чет эл сайёҳлик компанияларининг, шунингдек, қарийб 100 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳозир бўлиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Бухоро» халқаро аэропорти: СИФАТЛИ ХИЗМАТ, ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда транспорт ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан, ҳаво йўллари тизимини тубдан модернизация қилиш, унинг инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида республикамиз ҳаво йўллари глобал майдонда ўз нуфузини тобора мустаҳкамлаб бораётир. Айни чоғда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари асосида халқаро ва маҳаллий аэропортлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда уларда йўловчиларга сервис хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

**Модернизация**

Хусусан, Президентимизнинг "2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

***Бугун спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, ёрқин ғалабалари билан юртимиз довруғини дунёга ёйишмоқда. Хоҳ қитъа, хоҳ жаҳон чемпионатлари ёки Олимпиада ўйинлари бўладими, ғолибликка асосий даъвогарлар орасида Ўзбекистон фарзандларининг борлиги барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.***

## АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ана шундай маҳоратли спортчиларимиз орасида Абдулла Тангриевни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, у бир неча йилдан буён дзюдо бўйича улкан муваффақиятларга эришиб келмоқда. Хусусан,

**Хушхабар**

Абдулла 2008 йили Хитойда ташкил этилган ёзги Олимпиада ўйинларида кумуш, уч бор жаҳон чемпионатида (2003 йил Осака, 2007 йил Рио-де-Жанейро, 2009 йил Роттердам) бронза медалларини қўлга киритган. Шунингдек, 2003, 2005, 2007, 2008 ва 2011 йилларда қитъамиз биринчиликларида бош соврин билан тақдирланган.

Куни кеча номдор полвонимизнинг ютуқлар жамланмаси яна битта олтин ҳисобига бойиди. Абдулла Тангриев Россиянинг Тюмень шаҳрида мутлақ вазн тоифасидаги дзюдочилар ўртасида ўтказилган дунё биринчилигида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Мусобақада 21 давлатдан 27 нафар энг сара полвоннинг иштирок этгани ҳам ғалаба осонлик билан қўлга киритилмаганини кўрсатади.

(Давоми 4-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● **АСАКА туманидаги "Шарқ инвест бизнес" масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 50 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига кўлқоп тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозир 15 киши меҳнат қилаётган корхонада йилига бир миллион донагача импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилган.**

● ҚАМАШИ тумани марказида савдо ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади. "Эргаш Мўмин" хусусий фирмаси ташаббуси билан амалга оширилган ушбу лойиҳа учун 45 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди.

● **ДЕНОВ туманилик тадбиркор Йўлбарс Раззоқов икки гектар майдонда сунъий кўл барпо этиб, балиқчилик фермер хўжалигини ташкил қилди. Хўжалик аъзолари йил охирига қадар аҳоли дастурхонига 3 тонна "луқмаи ҳалол" етказиб беришни режалаштирмоқда.**

● БУХОРО шаҳридаги "Файз савдо дунёси" масъулияти чекланган жамиятида 412 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига модернизация тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган мебель ва уй-рўзғор буюмларининг сифати тубдан яхшиланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ХАЛҚАРО ПАХТА БОЗОРИ

**Тошкентга кўчганлиги иқтисодиётимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этди**

***Шу йил 12-13 октябрь кунлари Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси кутилганидан зиёд самарали бўлди. Бундай дейишимизга барча асослар етарли, албатта. Чунки у томонлар учун бирдек манфаатли, яқин ва узоқ истиқболли келишув ҳамда битимларга ниҳоятда бой бўлди.***

Дунёнинг турли бурчакларидан юртимизга келган трейдерлар икки кун мобайнида 650 минг тонна ўзбек толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзолаган бўлса, тўқимачилик корхоналаримиз ўз маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан тузган шартномаларининг умумий қиймати эса 550 миллион АҚШ долларидан ошди!

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида илк бор 2005 йилда асос солинган мазкур ярмарканинг нуфузи тобора ортиб, ўтган қисқа вақт ичида халқаро пахта бозорининг муҳим тадбирига айланди. Шу боис унда иштирок этиш истагини билдираётганлар сони тобора кўпайиб бораётир. Масалан, биринчи ярмаркада жаҳоннинг 30 мамлакатидан қарийб 170 трейдер ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 300 тага етди. Жорий йилда эса иштирокчи давлатларнинг жўғрофияси ҳам, трейдерларнинг сони ҳам кескин ошгани, айниқса, қувонарлидир. Юртимизга 38 мамлакатнинг пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компанияси, 660 нафардан ортиқ трейдер ва соха мутахассислари ташриф буюриб, нафақат ўзбек толаси олди-сотдиси бўйича келишувларга эришди, балки пахтачилик тармоғи, тўқимачилик ва енгил саноатимиз ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

**Эътироф**

"Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари" VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси самаралари ҳақида сўз юритганда, беихтиёр Президентимизнинг биринчи халқаро ярмарка қатнашчиларига йўллаган табригидаги қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади".

(Давоми 2-бетда).

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

***Мамлакатимиз истиқлолнинг илк йилларидан кучли фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратаётир. Энг муҳими, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари таъсирчан куч сифатида шаклланмоқда.***

Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида маҳалланинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида мавқеи юксалди.

Дарҳақиқат, маҳалла юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим асосларидан ҳисобланади. Зотан, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолияти орқали фуқароларнинг давлат бошқарувида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда бевосита иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғини илгари маҳаллий давлат ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари ҳисобланган 30 дан ортиқ ваколатни бажармоқда.

Бугун маҳаллалар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, давлат ва жамият ҳаётига дахлдор вазифаларни ижтимоий шериклик асосида изчил рўёбга чиқариб келмоқда. Чунончи, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш, тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, умумий фойдаланиладиган жойларни таъмирлаш, аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим вазифани бажармоқда.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳаллалар ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фаол иш олиб боришмоқда. Чунончи, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириб, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб, ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашиб келаётир. Бу қоидаларнинг амалиётда самарали қўлланилиши, табиийки, нафақат ижтимоий шерикликни ривожлантириш, балки ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда маҳалланинг нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиб келаётир. Ижтимоий шериклик ўзаро ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлиб, бунда субъектлар ўзаро тенг муносабатга киришади, яъни улар бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўладилар.

Юртимизда ижтимоий шерикликни қарор топтиришда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Зотан, давлат билан фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бугунги тараққиёт талабидир.

Концепцияда, шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича таклифлар берилиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятни ривожлантириш, ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини ҳисобга олинган ҳолда, улар фаолиятининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла вазифаларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш, улар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, амалдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилишда алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ушбу ҳужжатларга фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабати, шартномавий келишув, ҳамкорликда алоҳида дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари тўғрисида ахборот алмашишни кўзда тутувчи меъёрлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида вояга етказиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни чақириққача тайёрлашда маҳаллалар бошқарув органлари билан елкадош бўлиб фаолият юритиши талаб этилади. Шундай экан, юқорида номлари зикр этилган қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари муносабатларининг янада такомиллаштирилиши мамлакатимизда том маънодаги кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади. Зотан, ижтимоий шериклик асосида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари бирбирини тўлдиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида самарали фаолият юритади.

**А. АКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**




### «Бухоро» халқаро аэропорти:

# СИФАТЛИ ХИЗМАТ, ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Куни кеча мазкур қарор асосида "Бухоро" халқаро аэропорти негизида янги аэровокзалнинг фойдаланишга топширилиши ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

...Шундай тинч ва фаровон юртнинг бахтли фуқароси сифатида ҳар томонлама қулай ҳамда хавфсиз "Ил-114-100" самолётида Бухорои шарифга парвоз қилдик. Мусаффо осмонда шаҳару қишлоқларимизнинг бетакрор жамоли кафтдек намоён, уларни томоша қилиш эса жуда мароқли. Улкан бунёдкорлик намуналари — замонавий бинолар, иншоотлар нақадар кўплигини, кенг ва равон йўллар бепоёнлигини айтмайсизми? Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар кўзга чўғдек ташланади. Буларнинг барчаси — истиқлол неъмати, мустақиллик шарофати.

Кўтаринки кайфият билан манзилга етдик. Самолёт салонида борт кузатувчисининг жарангдор овози янгради: "Бухорога хуш келибсиз!", бугун "Бухоро" халқаро аэропортида янги йўловчи терминали иш бошлайди, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси сизга янги аэровокзал хизматларидан фойдаланишни таклиф этади".

Диллардаги хурсандчилик янги иншоотнинг очилиши маросими тантаналарига уланиб кетди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли Бухоро ҳам йилдан-йилга кўркам қиёфа касб этиб бормоқда, — дейди "Бухоро" халқаро аэропорти директори Тоҳир Баҳронов. — Энг замонавий ва юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган янги аэровокзал шаҳримизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Бундай катта қурилиш ишларини амалга оширишда бош пудратчи — "Бухорожамоақурилиш" ассоциациясининг "МПМК-47" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳиссаси катта бўлди.

Илгари аэропортимизда 150 нафар йўловчини қабул қилиш имкони мавжуд эди. Энди эса кенг кўламли модернизация туфайли бу кўрсаткич 400 нафарга етди.

Аэропортнинг миллий ҳамда замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида акс эттирган ташқи ва ички қиёфаси, унинг атрофидаги 8,5 гектарлик боғ барчага завқ улашади. Шу билан бирга, "VIP" ва "CIP" типидаги заллар, она ва бола хонаси, тиббий пункт, валюта айирбошлаш шохобчаси, авиакасса, почта бўлими ҳамда туну кун ишлайдиган дўконни ўз ичига олган янги йўловчи терминалида жаҳон андозалари даражасида сервис хизмати кўрсатиш учун юксак шарт-шароитлар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, "Бухоро" халқаро аэропорти барча русумдаги ҳаво лайнерларини қабул қила олади. Хусусан, шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 74 минг 112 нафар йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, 57,9 тонна юк ўз манзилига етказилди. Шуларга мос равишда мазкур аэропорт "Аэропорт" халқаро ассоциацияси аъзолари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган нуфузли танловда уч бора МДҲ бўйича йилнинг энг яхши аэропорти, деб эътироф этилган.

Дарҳақиқат, Бухородаги бундай беқиёс ўзгаришлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини янада ривожлантириш, жумладан, транспорт-коммуникация, логистика, саноат ҳамда туризм салоҳиятини юксалтиришда қўл келиши баробарида, хорижлик сармоядорлар ҳамда сайёҳлар учун қулайликлар туғдиради.

— Тошкент шаҳридан невара тўйини нишонлаб қайтдик, — дейди бухоролик 80 ёшли онахон Бибиражаб Асадова. — Самолётдан тушдигу бу ерда ҳам катта байрамнинг устидан чиқдик. Аэропортмисан аэропорт бўлибди. Халқнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилишдан ортиқ савоб йўқ дунёда. Шу боис биз, кексалар ана шундай хайрли ишлар бошида турган Президентимизни доимо дуо қиламиз.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАНИНГ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИДИР»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамиз сайёҳлик салоҳияти ва тарихий-маданий меросини янада оммавийлаштириш, сайёҳлик соҳасида дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижий давлатларда ҳам мазкур мавзуга бағишланган турли тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Хусусан, яқинда Ўзбекистоннинг Сингапурдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда иштирок этган Сингапурнинг етакчи туризм агентликлари ва ОАВ вакиллари Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш, ўзбек халқининг бой тарихий, маънавий ва маданий мероси, мамлакатимизнинг жуғрофий, табиий иқлим шароитлари, шунингдек, сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда туризм индустриясида яратилган сармоявий имкониятлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан танишдилар.

**Сингапурдаги "Raffles Holidays" сайёҳлик агентлиги бош директори Шида Али** Ўзбекистон раҳбарияти томонидан сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, дунё аҳамиятига молик кўп асрлик меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва уларни асраб-авайлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси дунё сайёҳларини ўзига жалб этувчи асосий омиллардан бири саналади.

**"Exora Travel" ва "Country Holidays" сайёҳлик агентликлари раҳбарлари Муҳаммад Нур ҳамда Энди Йео**нинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси ҳар икки мамлакат сайёҳлик компанияларига сайёҳлар сонини оширишга қаратилган ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун жуда қулай шарт-шароитларни яратади.

Улар Ўзбекистонда туризмни бундан-да ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар яқин келажакда халқаро сайёҳлик бозорида "Ўзбекистон сайёҳлик маҳсулоти" муваффақиятининг гарови бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

"**EDN Media" компанияси бошқарувчи директори Иззат Исмоил**нинг қайд этишича, кўплаб ноёб меъморий обидалар қатори, гўзал табиати ва замонавий сайёҳлик инфратузилмасининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи туризм маркази эканлигидан далолатдир.

Тақдимот маросимида Сингапурдаги кўплаб сайёҳлик компаниялари ўзбекистонлик туроператорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдор эканликларини таъкидлашди. Шунингдек, 17-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси томонидан сингапурлик туроператорлар ва ОАВ вакиллари учун ташкил қилинадиган инфотурнинг катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

**«Жаҳон» АА.**

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси эса ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, соҳадаги мавжуд янгиликлардан тўлиқ бохабар бўлиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда илғор инновациялардан унумли фойдаланиш, ихтисослашувни чуқурлаштириш, қисқача айтганда, истиқболли ҳамкорликка йўл очувчи муҳим иқтисодий форум вазифасини ўтамоқда. Айниқса, жорий йилги тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага берилган кўргазма майдонларидан бепул фойдаланиш, маҳсулотларни сотиш ёки харид қилишда тендер танловларисиз иштирок этиш, вазирлик ва идоралар, банклар, суғурта компаниялари сингари тегишли ташкилотлар мутахассисларидан зарур маслаҳатлар олишда қулайликлар яратиб берилгани, бундан ташқари, ярмарка доирасида тақдимот маросимлари, дахлдор ташкилотлар мутахассислари иштирокида семинарлар ташкил этилгани унинг янада самарали ўтишини таъминлади.

— Корхонамизда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, балки маҳсулотларимиз сифатини яхшилашга ҳам олиб келди, — дейди "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Расулхон Эшонхонов. — Хусусан, ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 96,2 миллиард сўмлик ўрнига 133,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида биз ҳамкорлар билан мис ва мис қоришмалари ўрамлари сотиш бўйича қиймати 2 миллиард сўмликдан зиёд 12 та, халқ истеъмоли моллари сотиш борасида 10 миллиард сўмликдан ортиқ 82 та, экспорт бўйича эса 235 миллион АҚШ долларидан зиёд 18 та шартнома имзолашга муваффақ бўлдик.

Бугунги ҳаракат эртага самарадорликка эришиш учун пойдевордир. Шу маънода, V Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси асносида саноатчиларимиз бу ерга ташриф буюрган 800 нафардан зиёд хорижий компания ва корхоналарнинг вакилларига ўз маҳсулотларини тақдим этиш баробарида, кўплаб шартномаларни имзолагани эътиборга лойиқ. Демак, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти янада юксалаверади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# ХАЛҚАРО ПАХТА БОЗОРИ

## Тошкентга кўчганлиги иқтисодиётимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр ичида ана шу эзгу мақсадга эришилди. Харидорлар заминимизда етиштирилган юқори сифатли толани учинчи қўлдан эмас, балки тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан сотиб олишга муваффақ бўлди. Бу эса пахтамиз довруғини жаҳон узра кенгроқ ёйилишига, экспорт ҳажмининг янада ошишига хизмат қилаяпти. Ҳозирги кунда юртимиз пахта экспорти бўйича учинчи ўринни банд этиб тургани бунинг яққол далилидир.

Пахтамиз экспорти ҳақида гап бораркан, биринчи ярмарка иштирокчиси, Ҳиндистоннинг "Nahar Export Limited" компанияси директори Гуршаран Дхиманнинг мана бу сўзларини эслаш ҳам ўринлидир: "Компаниямиз эҳтиёжига зарур пахтангизни ҳозиргача Ғарб давлатларидаги биржалардан савдо агентлари орқали сотиб олардик. Бу эса, ўз навбатида, бизга хом ашёни етказиб келиш масаласида сезиларли қийинчиликларни туғдирибгина қолмасдан, унинг таннархини ошириб юборар эди. Ўйлайманки, ушбу ярмарка давомида ўзаро савдо келишувларини имзолаймиз ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз анъанага айланади".

Не ажабки, бугун пахтадек пок бундай орзулар рўёбини кўриб турибмиз. Бунга Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилгани, толани халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашнинг янги HVI тизими жорий этилгани, маҳсулотни сифатли сақлаш ва етказиб бериш хизматларини ўзида мужассамлаштирган минтақавий пахта терминаллари тарзидаги савдонинг замонавий инфратузилмаси яратилгани туфайли эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Маълумки, халқаро ярмарка тўқимачилик саноати тараққий этаётган мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари учун қулай имкониятдир. Шу боис улар бундан оқилона фойдаланиш, янги пахта ҳосилидан харид қилиш илинжида дунё пахта бозорида савдолар фаоллашган пайтда Ўзбекистон томон талпинадилар.

— Ўзбек толасининг шуҳрати йилдан-йилга ортиб, унга бўлган талаб тобора кучаймоқда, — дейди VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчиси, Эроннинг "Trading Asia Europe" компанияси бош директори Али Сайидий. — Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, юртингизда тайёрланган тола саноатбоплиги билан ажралиб туради. Қолаверса, кейинги йилларда кузатилаётган табиат инжиқликларига қарамай, Ўзбекистон пахтакорлари мўл ва юқори сифатли пахта етиштириб, дунё саноатчиларининг ишончли ҳамкорига айланди. Мана, тўрт йилдирки, биз ҳам халқаро ярмарканинг доимий иштирокчисимиз. Бизнинг компаниямиз Эрон тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарига ўзбек толасини етказиб беради. Бу галги тадбирда кўплаб янги ҳамкорлар топиб, алоқаларимизни янада мустаҳкамладик. Энг муҳими, ойига 500 тоннадан калава ип сотиб олиш бўйича шартномалар имзоладик.

Мамлакатимиз пахтачилик билан шуғулланадиган 70 дан ортиқ мамлакатлар орасида шимолий минтақада жойлашгани билан ажралиб туради. Шунга қарамай, фермерларимиз томонидан эртанги, тола чиқиши юқори бўлган ғўза навлари парваришланиб, пахта тайёрлаш ҳажми бўйича пешқадамлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келаяпти. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мутахассисларнинг эътироф этишича, истиқлол йилларида тезпишар, ҳосилдор, тупроқ-иқлим шароити ва касалликларга чидамли ғўза навлари яратилиб, районлаштирилгани муваффақиятларнинг гарови бўлаётир. Эътибор қилинг, ҳозирги пайтда пахта майдонларининг тенг ярмида тезпишар, 41 фоизида ўртапишар, қолган қисмида эса янги навлар экилаяпти.

— Бизнинг юртимизда ҳам бу муҳим саноат хом ашёси етиштирилади, — дейди Бангладеш тўқимачилик саноати уюшмаси раиси Муҳаммад Сулаймон. — Лекин ташқи бозорда ўзбек толасига эҳтиёж юқори. Бунинг сабаби, республикангизда етиштирилган пахтанинг ранги тиниқ, тола чиқиши юқори, сифати жуда яхши. Бундай толадан жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот тайёрланади, албатта. Шунинг учун мамлакатимиз тўқимачилари зарур хом ашёнинг энг кўп қисмини Ўзбекистондан сотиб олади. Бу йиллик эҳтиёжимизнинг ўртача 32-33 фоизини ташкил қилади.

Халқаро ярмарка иштирокчилари "Ўзэкспомарказ" павильонларида янги ҳосилдан ишлаб чиқарилган 800 дан ортиқ тола намуналари билан яқиндан танишдилар. Микронейри жаҳон стандартларига тўла мос бўлган толалар сифат кўрсаткичларининг устунлиги билан мутахассислар эътиборини қозонди. Тўқимачилик корхоналарининг кенг ассортиментдаги маҳсулотлари кўргазмаси эса чинакам шоу тусини олди. Гап шундаки, тадбир доирасида "Ўзбекенгилсаноат" ДАК тизимида ташкил этилган "Шарқ либослари" мода ва дизайн маркази томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари намойиш этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай тадбирларда, асосан, подиум либослари тақдим қилинар эди. Бу эса ишлаб чиқариш билан унчалик боғланмас, унинг айрим жиҳатларинигина саноат миқёсида ўзлаштириш мумкин бўларди, холос. Бу галги намойиш одатий тамойиллардан чекингани билан барчада қизиқиш уйғотди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятлари тўлиқ очиб берилди. Улар томонидан тайёрланаётган кундалик, спорт, болалар ва катталар кийим-кечаклари иштирокчилар ҳукмига ҳавола этилди. Табиий матолардан тикилган маҳсулотлар ҳеч бир хорижликни эътиборсиз қолдирмади. Пировардида катта ҳажмда тайёр маҳсулотлар сотиб олиш бўйича буюртмалар берилди.

Таъкидлаш кераккки, кейинги йилларда республикамизда пахтани чуқур қайта ишлашга, чет эллик инвесторлар учун қулай бизнес муҳити яратиб беришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Натижада замонавий тўқимачилик корхоналари сони йил сайин кўпаймоқда. Айни пайтда "Ўзбекенгилсаноат" компанияси тизимида 270 га яқин корхона фаолият юритаётгани, шундан 150 таси хорижлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилгани бунинг ёрқин самарасидир.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси иштирокчилари "Мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллиги" пахта тозалаш заводи, "Тошкент-Тола" пахта терминали ва "UZTEX" тўқимачилик корхонасида бўлиб, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани харидорларга етказиб бериш хизмати, шунингдек, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнлари билан бевосита танишдилар. Шу аснода иқтисодиётимизнинг мазкур тармоқларидаги ислоҳотлар натижалари, айниқса, изчил олиб борилаётган техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш тадбирларини юксак баҳоладилар. Бу борада ўрганиш керак бўлган жиҳатларни ҳам яширмадилар.

Пахта — бебаҳо саноат хом ашёси. Кейинги йилларда илм-фаннинг илғор ютуқлари асосида яратилган сунъий толалар ҳам унинг шуҳратига соя сололмади. Аксинча, унга бўлган талабни янада оширди. Бинобарин, пахтадан 92 хилдаги маҳсулот олинишининг ўзиёқ катта маънони англатади.

Ўзбекистон — "оқ олтин" кони. Ҳар йили 3 миллион 500 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланиб, юртимиз ва хориж саноатчиларига юқори сифатли хом ашё тортиқ этилади. Оппоқ толамиз, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган иқтисодиёти, халқимизнинг фаровон ва гўзал ҳаёти ҳақидаги хуш муждаларни сайёрамиз узра ёяверади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 1 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1860,52 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2822,38 |
| 1 Дания кронаси | 332,95 |
| 1 БАА дирҳами | 480,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1765,53 |
| 1 Миср фунти | 295,83 |
| 1 Исландия кронаси | 15,53 |
| 1 Канада доллари | 1767,12 |
| 1 Хитой юани | 277,98 |
| 1 Россия рубли | 59,05 |
| 1 Украина гривнаси | 221,33 |
| 1 Малайзия ринггити | 575,56 |
| 1 Польша злотийси | 573,84 |
| 1 СДР | 2819,50 |
| 1 Туркия лираси | 1007,44 |
| 1 Швейцария франки | 2027,01 |
| 1 евро | 2474,08 |
| 10 Жанубий Корея вони | 15,92 |
| 10 Япония иенаси | 222,95 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг**

СУЮЛТ. ГАЗ 1972,7 ▲ +171,4 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 284,5 ▼ -86,0 | УН биринчи нав 650,1 ▲ +10,8 | ОМИХТА ЕМ 358,7 ▲ +33,3

Фармон ва ижро

# КИЧИК БИЗНЕС ВА БАНК ҲАМКОРЛИГИ

## ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги қувватларни ташкил этишнинг муҳим шартидир

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони нафақат мазкур субъектлар вакиллари ва фермерлар, балки шу соҳада ўз ишини бошлашни ният қилиб юрган ёшлар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу боис улар ушбу ҳужжатни атрофлича муҳокама қилмоқдалар, тегишли чора-тадбирларни белгилаб, амалиётга жорий этаяптилар.***

Фармонда таъкидланишича, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизигача ошган, аҳоли даромадларининг 47 фоизидан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келган. Бу ижобий кўрсаткичларни қўлга киритишда тижорат банкларининг ўзига хос ўрни бор, албатта.

Гап шундаки, тижорат банклари кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда, уларнинг юқори технологик асбоб-ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизмини тобора такомиллаштириб бормоқда. Аниқроқ айтганда, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитларни, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш молия муассасаларининг устувор вазифалари бўлиб қолмоқда.

Эътиборлиси, янги Фармонга мувофиқ, тадбиркорлар тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очгани учун тўлов тўламайдиган бўлишди. Уларнинг тижорат банклари томонидан келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунигача қисқартирилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янги технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим қилишни енгиллаштириш мақсадида Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондининг ташкил этилиши ишбилармонлар учун яна бир қулайлик яратди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг узоқ муддатли банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб, шунинг ҳисобига ўз фаолиятини мустаҳкамлашини таъминлайди.

Буларнинг бари Юртбошимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида қўйилган навбатдаги дадил қадамдир. Бундай дейишимизнинг сабаби шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда хусусий мулкчилик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, молиявий негизларига асос солинди: бир қатор қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, соҳанинг ривожланиши ҳар томонлама рағбатлантирилди. Маҳаллий хом ашё ресурсларига асосланган ҳолда, ички ва ташқи талаблардан келиб чиқиб, саноат тармоқларини ривожлантиришга, тадбиркорларни саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилди. Эски тузумдан қолган яроқсиз, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикалар хусусийлаштирилиб, республикамиз тадбиркорлари ва хорижий давлатлар инвесторларига хусусий мулк шаклида сотила бошланди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва тижорат банклари ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик кучайтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун қишлоқларимизда йўқолиб кетган ҳунармандчилик соҳалари тикланмоқда, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган юзлаб қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда, касаначилик фаолияти кенгайтирилмоқда, шу тарзда аҳоли бандлиги даражаси оширилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг узоқ муддатли кредитларга бўлган талаблари инобатга олиниб, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизмини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши кейинги ўн йилда ажратилган кредитлар, шу жумладан, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг жадал суръатларда ўсишига олиб келди. Мисол учун, тижорат банкларининг ялпи кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитлари улуши 1990 йилда 23,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 75,2 фоизга етди. 2011 йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ажратилган узоқ муддатли кредитлар ҳажми 2 трлн. сўмдан кўпроқ (жами соҳага ажратилган кредитларнинг 64,2 фоизи)ни ташкил этганлиги ҳам мазкур йўналишнинг долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Истиқлол байрами арафасида нашрдан чиққан "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 — 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплами"да қайд этилишича, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2000 йилда 102,9 млрд. сўмни, 2010 йилда эса 26 баробардан кўпроқ ошиб, 2690,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Айни чоғда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга жорий йилнинг 9 ойи давомида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,5 баробар ортиб, 3,1 трлн. сўмга етди. Жумладан, фақатгина оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 42,3 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 20,3 млрд. сўм берилди. Бундай имтиёзларни бошқа мамлакатларда фақат орзу қилиш мумкин.

Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга банклар томонидан ажратиладиган маблағлар ҳажми жорий йилнинг охирига бориб, 3,8 трлн. сўмдан ортиши, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш, замонавий юқори технология, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар, қорамол сотиб олиш, шунингдек, бошланғич сармояни шакллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш, замонавий билим ва кўникмага эга бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини соҳага кенг жалб этиш йўналишларида янада ижобий натижаларга олиб келиши муқаррардир.

Яна бир гап. Банклар кўмагида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг йирик корхоналар билан кооперация усулида ёки мустақил равишда юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш эвазига ишловчиларнинг даромадларини кўтаришга имкон яратиш, аҳоли бўш қатламларини иш билан банд этиш бўйича тутилган йўлнинг оқилоналиги бугун амалда ўз исботини топди. Ушбу соҳанинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 1991 йилдаги 1,5 фоиздан ўтган йили 52,5 фоизга етгани, яъни иш билан таъминланганлар сони бир неча баробарга ошгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг янги Фармони ўзида кўплаб имтиёзлар, кафолатлар ва енгилликларни мужассамлаштиргани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу ҳужжат республикамизда истиқлол йилларида амалга оширилган залворли ва ибратли ишларимизни мустаҳкамлаш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим омил бўлишига ишонамиз.

**Убайдулло ҒАФУРОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Сув тошқинлари оқибати

***Таиландда рўй бераётган сув тошқинлари оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони қарийб 400 кишига етди.***



Табиий офатдан мамлакатнинг 26 провинциясидаги 144 та аҳоли пункти жиддий зарар кўрган. Ахборот агентликларининг хабар беришича, сўнгги беш кун давомида пойтахт Бангкокни бир миллионга яқин киши ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Мазкур шаҳарнинг, асосан, шимолий ва шарқий қисми сув остида қолган. Таиланд бош вазири қироллик аҳолисини саросимага тушмасликка чақириб, тез орада аҳвол ижобий томонга ўзгаришини билдирди.

Мамлакат тарихида охирги 50 йил ичидаги энг йирик офат, дея таърифланаётган сув тошқинларидан айни пайтга қадар 2,5 миллион киши жабр кўрган.

## Юқори кўрсаткич қайд этилди

***Испанияда ишсизлик даражаси сўнгги ўн беш йил давомидаги энг юқори кўрсаткичга етди.***



"AFP" ахборот агентлигининг хабарига кўра, жорий йилнинг учинчи чораги якунлари бўйича мамлакатда бу борадаги аҳвол 21,52 фоизни ташкил этмоқда. Ҳозир Испанияда қарийб беш миллион киши иш жойига муҳтож. Ҳукумат вазиятни, бир оз бўлса-да, юмшатиш мақсадида йил охирига қадар ишсизлик даражасини 19,8 фоизга туширишни режалаштирган. Аммо айрим экспертлар бунинг уддасидан чиқиш осон кечмаслигини таъкидлашмоқда.

Ишсизлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва қурилишда бошқа соҳаларга нисбатан юқорироқ.

## Талаб пасайгани сабаб бўлди

***Маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи "Whirlpool" (АҚШ) компанияси иш ўринлари сонини беш мингтага қисқартиришини маълум қилди.***

Корхона маъмурияти бундай қарорга келишининг сабаби маҳсулотларга талабнинг муттасил пасайиб, хом ашё нархининг эса тобора кўтарилиб бораётгани билан боғлиқ. "Whirlpool" мазкур тадбир орқали 2013 йил охиригача 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолишни режалаштирган.

"Whirlpool" музлаткич, кир ва идиш-товоқ ювиш машиналари ишлаб чиқаради. Унинг умумий ходимлари сони 71 минг кишини ташкил этади. Шундан 50 минг нафари компаниянинг Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги бўлимларида фаолият олиб боради.

## Кузда қиш синови

***АҚШда фавқулодда ёққан кўп миқдордаги қор турли кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқарди.***



Хусусан, табиатнинг кутилмаган бу инжиқлиги уч кишини ҳаётдан олиб кетди. Икки миллиондан ортиқ одам электр энергиясиз қолди. Мамлакат шарқидаги бир нечта аэропорт фолияти вақтинча тўхтатилди. Шунингдек, Нью-Йорк ва бошқа йирик шаҳарларда поездлар қатнови издан чиқди.

Синоптиклар АҚШда октябрь ойи охирида қор ёғиши ноодатий ҳодиса эканлигини билдиришган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


● Реклама ва эълонлар ●

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**
**қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка**

**08.00.01** — Иқтисодиёт назарияси — 1 ўрин.
**08.00.02** — Макроиқтисодиёт — 1 ўрин.
**08.00.06** — Эконометрика ва статистика — 1 ўрин.
**08.00.07** — Молия, пул муомаласи ва кредит — 3 ўрин.
**08.00.08** — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит — 2 ўрин.
**08.00.13** — Менежмент ва маркетинг — 1 ўрин.

**Катта илмий ходим-изланувчиликка**

**08.00.07** — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин.

**Ҳужжатлар 2011 йил 15 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
**Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй.**
**Телефонлар:**
**(8-371) 234-76-31, (+99893) 527-73-79.**
1463R/1271

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

*бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-496/11-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган, «MAX PROFIT INVEST» МЧЖга тегишли бўлган А-Блок — Бизнес маркази, 2052,0 кв.м., Б-Блок — Бизнес маркази, 291,0 кв.м., В-Блок — Бизнес маркази, 100,0 кв.м. иборат бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 426 684 553 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти судининг 2011 йил 14 апрелдаги 10-1004/14167-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уйда жойлашган, «АТТОРЛИК» ОАЖга тегишли бўлган 15 та блокдан иборат қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда:

| Т/р | Блоклар | Блоклар номи | Ўлчов бирлиги (кв.м.) |
|---|---|---|---|
| 1. | А-Блок | Маъмурий бино | 906,0 кв.м. |
| 2. | Б-Блок | Насосхона | 22,0 кв.м. |
| 3. | В-Блок | Ошхона | 262,0 кв.м. |
| 4. | Г-Блок | Омборхона | 413,0 кв.м. |
| 5. | Д-Блок | Омборхона | 318,0 кв.м. |
| 6. | Е-Блок | Омборхона | 5187,0 кв.м. |
| 7. | Ж-Блок | Омборхона | 3101,0 кв.м. |
| 8. | И-Блок | Омборхона | 522,0 кв.м. |
| 9. | К-Блок | Қоровулхона | 7,0 кв.м. |
| 10. | Л-Блок | Гараж шийпон (қисми) | 200,0 кв.м. |
| 11. | М-Блок | Насосхона | 40,0 кв.м. |
| 12. | Н-Блок | Ҳаммом | 20,0 кв.м. |
| 13. | О-Блок | Ҳожатхона | 12,0 кв.м. |
| 14. | У-Блок | Ҳожатхона | 19,0 кв.м. |
| 15. | З-Блок | Омборхона | 1603,0 кв.м. |

***Бошланғич баҳоси — 4 821 364 000 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2036/10-сонли ва 037/10-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси 59-уй, 16-хонадонда жойлашган, майдони 57,55 кв.м. 2 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 54 982 451 сўм.***

**4.** Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2010 йил 29 ноябрдаги 1-9164/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси, 18-уй, 3-хонадонда жойлашган, майдони 94,56 кв.м. 4 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 750 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: № RR-0001.*
1460R/773

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Суд ижрочилари Ургут тумани бўлими томонидан ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2009 йил 10 февралдаги 2/192-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Почвон кўчаси, 17-уйда жойлашган, «Рисола» ХИЧСФга қарашли қуйидаги мулк:

Литр Е остида қурилган 3 қаватли савдо маркази, 187 та хонадан иборат, таъмирталаб, қурилиш майдони — 4834,33 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 571 282 918 сўм.***

**II.** Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан:

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони — 1265,52 кв.м., қурилиш майдони — 320,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган қаҳвахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 496 012 256 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони — 689,65 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган савдо мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 325 173 658 сўм.***

**3.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уйда жойлашган, қурилиш майдони — 200,98 кв.м., тўрт қаватдан иборат бино ҳамда 22 турдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 365 140 290 сўм.***

**III.** Суд ижрочилари Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** «СУ-855» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган савдо дўкони, қурилиш майдони — 843,0 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 129 176 420 сўм.***

**2.** «12-шина таъмирлаш» заводи МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, фаолият юритиши тўхтатилган, қурилиш майдони — 7489,14 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар, асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 1 200 923 919 сўм.***

**3.** «Мадрид интер плюс» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган, қурилиш майдони — 3278,02 кв.м. бўлган ғишт ишлаб чиқариш заводи бинолари, ускуналари ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 613 675 918 сўм.***

**4.** ХЁАТБ «Парвина-банк»га тегишли, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-«Б» уйда жойлашган 1 қаватли офис биноси, қурилиш майдони — 362,86 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 119 262 978 сўм.***

***Ушбу мулкларнинг аукцион савдоси 2011 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 ва 233-80-13 телефонлари ёки www.1kms.uz расмий вебсайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, 10 (фоиз) дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳри филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.**

*Лицензия: № RR-0001.*
1461R/773

"ГАЗ" русумли автомобиллар ва махсус техникалар
Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz
Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км
TrNK Transneftkomplekt
ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти



Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида
1259Н/833

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 х 600 мм,
610 х 610 мм.
Ассортимент — 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Standard Insurance
Лицензия СФ № 00154
26.05.2011 йил

**Корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги

**«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги**

Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

***«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.***
1414R/1224

**Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.**
**Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси меҳнат фахрийси **Шарип Рустамович ҲАСАНБАЕВнинг** вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Назира Маманазаровна Тоғаевага падари бузруквори **МАМАНАЗАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Малака ошириш факультети услубчиси Шаҳло Рўзиевага падари бузруквори **Дилмурод РЎЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 808,3 ▼ -316,7




МОТОР МОЙИ М14 В2 3990,0 ▲ +2414,0




БЕНЗИН АИ-80 2191,3 ▼ -119,0




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2604,4 ▼ -71,5

# АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастлабки беллашувни украиналик Кирилл Белецкийга қарши ўтказган ҳамюртимиз мураккаб усул қўллаб, кучли рақибнинг курагини ерга теккизди ва соф ғалаба(“иппон”)га эришди. Кейинги беллашувда французлик Матье Торел ҳам дзюдочимизнинг кучлилигига муддатидан олдин тан берди. Чорак финалда чемпионликка асосий даъвогарлардан бири, япониялик Хироки Тачияма ватандошимизга қарши гиламга чиқиб, ҳарчанд уринмасин, енгилди. Шу тариқа ярим финалга йўл олган Абдулла яна бир қизғин тарзда кечган баҳсда “иппон” баҳоси бериладиган усул билан Жанубия Корея вакили Ким Сунг Миннинг курагини ерга теккизди.

Ва ниҳоят ўзбек полвони финалда Европа чемпионатининг кумуш медали соврindори, венгриялик Барна Борга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Уни ҳам шиддат билан даст кўтариб, мағлуб этди.

Россияда спортчимиз шанига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда, Истиқлол йилларида Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган бекиёс ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши туфайли уларда буюк аждодларимизга хос баҳодирлик ва ботирлик хислатлари устувор бўлишига мустаҳкам замин яратилганидан ғурурландик. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни яна бир карра шукуҳ билан англадик. Жаҳонда энг оғир вазнда Абдулла Тангриевнинг шиддат ва ғайрат-шижоат билан, чўчимай, ўз кучига ишониб, донгдор рақибларини енга олгани, шубҳасиз, Ўзбекистон ёшларининг яна бир юксак муваффақиятидир.

— Ушбу ғалабага Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланган йилда эришганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев. — Биз, спортчиларнинг мана шундай мусобақаларга тайёрланишимиз, уларда муносиб иштирок этишимиз учун зарур шарт-шароитларни яратиб бераётган Юртбошимизга катта раҳмат. Насиб этса, келаси йили Лондон шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам ғолиб бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз қайси вилоятга ташриф буюрмасинлар, албатта, ўша жойда спортни оммавийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратадилар. Хусусан, жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида шу йил ёзда Қашқадарёда бўлганларида “Насаф” футбол клубининг Қарши шаҳридаги замонавий футбол базасини ҳам бориб



# ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

кўрган эдилар. Футболчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашиб, жамоа аъзоларига ОФК кубоги баҳсларида омад тилагандилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жамоага замонавий автобус совға қилдилар. Ана шу юксак эътибор футболчиларни чексиз руҳлантириб юборди. Шу боис “Насаф” аъзолари юқори савияда ўйин кўрсатишга, Юртбошимизнинг ишончини оқлашга астойдил интилдилар. Бугун бекиёс маънавий рағбатнинг амалий ифодасини барчамиз кўриб турибмиз. Эришилган ғалабадан футболчилар, мураббийлар, Ўзбекистондаги ҳар бир футбол ишқибози бирдек қувонмоқда.

…Қайд этиш керак, ўз бағрига 18 минг нафардан ортиқ томошабинни сиғдира оладиган Қаршидаги “Марказий” стадион ҳақиқий футбол байрамига мезбонлик қилди. Бу ерда ташкилотчиларнинг катта тайёргарлик кўрганликлари шундоққина сезилиб турди. Турли ёзувлар туширилган паннолар, замонавий телекоммуникация воситалари орқали амалга оширилган трансляция ишлари, ғолибларни тақдирлаш маросими, мушакбозлик, хуллас, ҳар бир жараён футбол кечасига ўзгача шукуҳ бағишлади. Бу ОФК мутасаддилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ғалабадан сўнг айрим футбол ишқибозларининг дил сўзларига қулоқ тутдик.

— Бугун қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлди, — дейди тошкентлик мухлис Неъматжон Акбаров. — Чунки қитъа миқёсидаги бундай нуфузли мусобақада ғалаба қозониш осон эмас. Ўзбекистон футболи шарафини ҳимоя қилган “Насаф” бу ишни уддалаганидан беҳад хурсандмиз. Ахир Марказий Осиёдан ҳали бирор бир жамоа бундай нуфузли мусобақада ғолиб чиқмаган. Бу бизнинг хотирамизда узоқ вақт сақланиб қолади.

“Насаф”ни ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг ҳам табриклади. У ушбу ғалаба Ўзбекистонда футбол жадал ривожланиб бораётганининг ифодаси эканлигини қайд этди. Шунингдек, Жанг Жилонг жамоанинг кейинги ишларига ҳам муваффақиятлар тилади.

Финалдан сўнг ОФК кубогининг турли номинациялари бўйича махсус совринлар топширилди.

“Насаф” футболчиларига Осиё футбол конфедерацияси кубоги ва олтин медаллар топширилди. ОФКнинг “Fair play” — “Ҳалол ўйин” соврини ҳам “Насаф”га насиб этди. Ҳал қилувчи беллашувда фаол ўйнаган Артур Геворкян финал учрашувининг “Энг яхши футболчиси”, турнир давомида рақиблар дарвозасини ўн маротаба ишғол қилган Иван Бошкович “Энг яхши тўпурар” совринлари билан тақдирланди. Шунингдек, “Насаф” жамоаси ОФК кубоги соҳиби сифатида келаси йили Осиё чемпионлар лигасида тўп суриш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

**Ботир ҚОРАЕВ,**
**«Насаф» жамоаси сардори:**

*— Дунёда футболни ривожлантириш, ушбу соҳада юқори натижаларни қўлга киритишни истайдиган давлатлар жуда кўп. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам ана шу эзгу ниятнинг рўёби учун етарли шароит ва эътибор мавжуд эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз, ўзбекистонлик футболчилар ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли замонавий стадионларга эга бўлаяпмиз, халқаро мусобақаларда иштирок этаяпмиз. Бундай эътиборга муносиб жавоб бера олиш ҳам зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Юртбошимиз билан бўлган ўша учрашувдан сўнг, жамоадошларимиз ўзаро ОФК кубогида ғолиб чиқиш учун астойдил ҳаракат қилишга келишиб олгандик. Яъни давлатимиз раҳбарининг бизга билдирган ишончини оқлаш, Истиқлолимизнинг қутлуғ 20 йиллигига ютуғимизни туҳфа қилиш ниятида эдик. Бугун ана шу орзуимиз ушалди. Бу ғалаба барчамизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг ғалабасидир!*

**Анатолий ДЕМЯНЕНКО,**
**«Насаф» футбол клуби бош мураббийи:**

*— Жудаям хурсандман. Ушбу муваффақият билан барчани чин дилдан муборакбод этаман. Йигитларга ва бизни қўллаб-қувватлаганларга катта раҳмат.*

*Мен футболи жадал тараққий этиб бораётган, миллионлар ўйинини чин дилдан севадиган мана шундай юртда фаолият юритаётганимдан беҳад бахтиёрман. Ўзбекистон — истеъдодлар мамлакати. Ана шу иқтидорларни кашф қилиш учун эса бу ерда барча имкониятлар мавжуд. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг спортни, хусусан, футболни оммалаштириш, ёшларни спортга жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш борасидаги улкан ғамхўрлиги ҳавас қилишга арзийди. Мен бундан кейин ўзбек футболи нуфузини халқаро майдонда янада юксалтириш йўлида бор билимимни ишга соламан.*

**Драган ТАЛАЖИЧ,**
**«Кувайт СК» жамоаси бош мураббийи:**

*— “Насаф” маҳоратли футболчиларни ўзида жамлаган ажойиб жамоа. Бунга унинг таркибида тўп сураётган бир қатор ўйинчилар ўз миллий терма жамоаларида ҳам муносиб ўринга эга эканлиги яққол мисолдир. Биз финал учрашувидан олдин рақибимизнинг мана шу жиҳатларини, қандай тажрибага эга эканлигини яхши билардик. Шу боис бор имкониятимизни ишга солиб, ғалабага эришишга интилдик. Аммо бу борада “Насаф” омадлироқ чиқди. Ўзбекистонликларни ушбу улкан натижа билан табриклайман.*

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Ж. НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) ва www.the-afc.com сайти сурати.

# ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ТАРАННУМИ

***Пойтахтимизда “Art Week Style.UZ — 2011” санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси якунига етди. Мазкур тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Австрия, АҚШ, Буюк Британия, БАА, Германия, Греция, Жанубий Корея, Испания, Миср, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Франция сингари давлатлардан 150 нафардан зиёд рассом қатнашган замонавий санъат биенналесида кўплаб ўзига хос лойиҳалар, кўргазмалар намойиш қилинди. Айниқса, биенналенинг халқаро ва миллий павильонларидан ўрин олган “Кумуш аср”, “Услуб — бу мен”, “Ўзбекистон — менинг уйим”, “Гедонизм эстетикаси” номли халқаро ва миллий кўргазмалари санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

— Ушбу тадбир инсонийлик, муҳаббат, эзгулик, гўзаллик ғоялариараннум этилган ёрқин ва бетакрор ижодий анжумандир, — дейди россиялик фоторассом Валерий Катсюба. — Чунки биенналеда тасвирий санъатнинг ўнлаб жанр ҳамда услубларига хос ижод намуналари намойиш этилди. Турли миллатларнинг тарихи, маданияти, анъанаю урф-одатларини акс эттирган мазкур асарлар, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, халқаро биеннале “Замонавий санъат: жамият ва рассом ҳудуди” шиори остида ўтказилди. Бинобарин, тадбир доирасида ташкил этилган ижодий кўргазмаларда мусаввирнинг анъанавий услубдан ҳам кўра

## «Art Week Style.UZ — 2011»

шахсий қарашлари, бугунги кун, ён-атрофда содир бўлаётган воқеликларга муносабати, тасвирда рамзий ифода воситаларини қўллаш санъати кўпроқ кўзга ташланганлиги бежиз эмас.

Миллий қадриятларимизга хос рамзий тимсолларни чизгиларда ифодалаган ёш рассом Ўктам Саидов ўз ижодий ишини қуйидагича изоҳлайди:

— Инсон вақти-вақти билан ортга назар ташлаб, босиб ўтган йўли, ўтмиш ҳаёти ҳақида ўй суради, хато ва камчиликларини ўзича таҳлил қилади. Энг муҳими, кимдир нимагадир ишониб яшайди, умид қилади, эртанги кун сари интилади. Бундай ҳаётий фалсафа ўзбекона анъаналаримиз мисолида теран ифодасини топган. Шу боис “Ишонч” номли туркум асарларимда рамзий ифода воситаси сифатида миллий тимсоллардан кенг фойдаландим. Масалан, қалампир, анор, тақа, дўппи каби буюмларнинг ўзига хос маъноси аксарият санъатшунос ва мусаввирларда қизиқиш уйғотди. Умуман, санъат ҳафталиги туфайли ижодий ишларим халқаро доирада танилганлигидан жуда ҳам хурсандман.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Тошкент биенналеси қизғин ижодий мулоқотлар анжумани, рассомлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамловчи маънавий кўприкдир. Ушбу нуфузли халқаро тадбирда истеъдод ва маҳорати юксак баҳоланиб, биринчи ўрин билан тақдирланган ижодкор, Буюк британиялик Сара Реза ҳам шундай фикрда:

— Тошкент биенналеси ҳаяжонли онларга бой унутилмас тадбир, бекиёс ижодий рағбат сифатида барчанинг ёдида қолганлиги аниқ. Жаҳоннинг турли бурчакларида ижод қилаётган юздан зиёд санъаткорларнинг яқиндан тажриба алмашуви, замонавий санъатга хос янгича анъаналардан бохабар бўлиши ва ижоди кенг тарғиб қилинишига йўл очадиган ушбу халқаро анжуман яна кўп вақт эътироф этилиши, тиллардан тушмаслиги, шубҳасиз. Шахсан ўзим келгусида Ўзбекистон, унинг гўзал пойтахти ва кўҳна Самарқанд шаҳри ҳақида туркум асарлар яратишга аҳд қилдим.

... Санъат ҳафталигининг Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган тантанали ёпилиш маросимида тадбир ғолиблари махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Якуний хулосаларга кўра, биеннале Гран-присига юртимиз вакили — Файзулла Аҳмадалиев муносиб, деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Диёр Розиқов (Ўзбекистон) ҳамда Кристиан Рупп (Австрия)га насиб этди. Шунингдек, тадбирда фаол иштирок этган ва ижод намуналари мухлисларнинг қизиқиш ҳамда эътиборига сазовор бўлган иштирокчиларга рағбатлантирувчи дипломлар топширилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фан ва техника янгиликлари

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида тоғ-металлургия саноатининг суюқ технологик чиқиндиларини тозалаш учун мўлжалланган фильтрлаш қурилмаси ишлаб чиқилди.***

### Тозаловчи қурилма

Ушбу технология оғир металлар, радиоактив эритмалар сингари саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш ва улардан фойда олиш имконини беради. Бундан ташқари, у кам энергия сарф қилиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Мазкур қурилма Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли завод цехида муваффақиятли синовдан ўтди. Эндиликда ундан саноатда кенг фойдаланиш режалаштирилмоқда.

### Тежамкор технология

***Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида маҳаллий хом ашёдан натрий сульфат олишнинг самарали технологияси яратилди.***

Айтиш жоизки, натрий сульфат целлюлоза-қоғоз, шиша, сунъий кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришда, тўқимачилик ва тери саноати, тиббиёт ҳамда ветеринария соҳаларида кенг қўлланилади.

Янги технология кам энергия сарф қилиши боис унинг воситасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 1,5-2 марта арзонлашишига эришилади.

**Искандар ХЎЖАЕВ.**

***Табиатдаги ўзгаришлар олтин фасл — кузнинг тобора поёнига етиб бораётганидан, у ўз ўрнини зумрад қишга бўшатишга ҳозирлик кўраётганидан дарак бермоқда. Зотан, куз ёмғирлари қуёшли кунлар кам қолганидан барчамизни огоҳ этаётир. Шу боис ноябрь ойи кириши билан ҳамма қишга ҳозирлик кўриш ишларини туғаллаш пайдидан бўлади.***

# Ақраб келди, совуқларни чақириб...



Эътибор берсангиз, бу ҳол табиатдаги барча жониворлар, айниқса, қушларнинг хатти-ҳаракатларида янада яққолроқ кўзга ташланади. Гап шундаки, шу кунларда қушларнинг шовқини жонланиб қолди. Сабаби, иссиқсевар паррандалар гала-гала бўлиб, ўзга ўлкаларга учиб кетаётган бўлса, гўнгқарға, кулранг ва қора қарға, шунингдек, юртимизда қишловчи бошқа турлар аҳоли тураржойларига яқин ҳудудлардаги дарахтзорларга кела бошлади.

Тақвимга кўра, ноябрь ойи ҳижрий йил ҳисоби бўйича ақраб ойидир.

“Ақраб” арабча сўз бўлиб, “чаён” деганидир. Чаённинг муддаоси ниш урмоқ бўлганидек, ақрабнинг табиати ҳам ёғингарчиликларни чақиришдир. Буни халқ мақоли яна бир карра тасдиқлайди: “Ақрабнинг раҳми келса — куз, қаҳри келса — қиш”.

Дарҳақиқат, кузатишларга қараганда, баъзи йилларда бу ой нисбатан илиқ келиб, иссиқ об-ҳаво кузатилса, айрим ҳолларда ёғингарчиликлар мўл бўлиб, қиш-қировли кунларга уланиб кетади. Буни яхши англаган юртимиз деҳқон ва боғбонлари аллақачон кечки картошка, мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини саранжомлаб, қишга ғамлаб қўйишди.

Айни пайтда улар кузги тадбирларни сифатли бажариш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Яъни мевали боғларга шакл берилиб, анор, анжир, ток каби ярим тро-

## Бурж

пик дарахтлар кўмилаяпти. Қуриган ёки кекса дарахтлар ўрнига кузги ниҳоллар ўтказилиб, боғларда қайта тиклаш ишлари бажарилаётир.

Суғориладиган майдонларда буғдой майсаларини кўкартириб олган деҳқонларимиз эндиликда асосий эътиборни экиндан бўшаган ерларни сифатли шудгорлашга қаратган. Тажрибали деҳқонларнинг айтишича, ерни кузда ҳайдашда ҳикмат кўп. Шундай қилинганда, замин қиш мобайнида дам олиб, “семиради”. Яъни тупроқ таркиби яхшиланиб, унинг унумдорлиги ортади, зарарли ҳашаротлар бутунлай йўқолади. Агар бу пайтда ерга яхоб суви берилса борми, унинг самараси икки ҳисса ортади.

Шу кунларда чўпон-чўлиқлар ҳам қишки мавсумга тайёргарлик ишларини якунлаш арафасидалар. Улар чорвага етарли озуқа захирасини жамғариш мақсадида ташкилий ишларни жадаллаштиришган. Чунки чорванинг этдан тушмаслиги, мавсумнинг беталафот ўтиши кўп жиҳатдан бугунги ҳаракатга боғлиқ.

Бу йил ақраб ойи ёғингарчиликка дохил бўлиб, нисбатан совуқ об-ҳаво кузатилаяпти. Халқимиз мақолида айтилганидек, “Ақраб келди ақириб, совуқларни чақириб”. Зеро, бу ҳам яхшилик аломати. Илоҳим, ёмғир, қор билан заминимизга қут-барака ёғилаверсин!

**Р. САИДОВ.**


• Реклама ва эълонлар •

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**I.** Аукцион савдосига Суд ижрочилари Пайариқ тумани бўлими томонидан Пайариқ тумани «Пахтакор» МЧЖ ММТПга тегишли бўлган, Пайариқ шаҳри, Пайариқ 50 йиллиги кўчаси, 4-уйда жойлашган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14 AF 236 бўлган «Матиз» русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 418 000 сўм.***

**II.** Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан, қуйидаги мол-мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган «Парвина Юнипак универсал ўрама материаллари ишлаб чиқариш маркази»га қарашли ускуналар.

***Бошланғич баҳоси — 236 196 000 сўм.***

**2.** Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 270-уй, «СИНО» ОАЖ ҳудудида жойлашган, «СУ-855» МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш линияси (линия по производству пенополиуританового утеп. JG-150 насос типа VH-150).

***Бошланғич баҳоси — 51 905 961 сўм.***

**3.** Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 270-уй, «СИНО» ОАЖ ҳудудида жойлашган, «СУ-855» МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш линияси (линия по производству пенополиуританового утеп. JG-9 насос типа VH-9).

***Бошланғич баҳоси — 11 089 346 сўм.***

***Аукцион савдоси 2011 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни сотувчи томонидан ҳамда «Respublika mulk markazi» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиалининг (8-366) 233-80-56 телефони орқали олиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси ва бошқа мол-мулклар бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

1462R/280

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.**





КЎМИР (БПК) 40,3 ▲ +0,4




ШИФЕР (1 лист) 14982 ▼ -280




ПАХТА ЁҒИ 1914,0 ▼ -18,4


Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5